

---

## ФУҚАРО МУРОЖААТИ БЎЙИЧА БИЛДИРИШНОМА

### **Ижтимоий тармоқлар орқали Марғилон шаҳар Зухро кўчасига бурилишдаги йўлнинг таъмирталаблиги ҳақида тарқалган мурожаат бўйича**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4067 сонли қарорига мувофиқ Марғилон шаҳрида 2 та йўл инфратузилмаси объектлари, жумладан, мурожаатда кўрсатилган Зухро МФЙдан ўтувчи Б.Марғилоний ва У.Носир кўчаларини реконструкция қилиш ишлари ҳам киритилган.

Қарорга мувофиқ 4P-140а "Фарғона шаҳрига кириш" автомобиль йўли (Б.Марғилоний ва У.Носир кўчаларини)ни реконструкция қилиш муддати 2018-2020 йиллар оралиғи этиб белгиланган бўлиб, жами йўл қурилиши сметаси 42 млрд. сўм, шундан 2019 йил учун ажратилган маблағ 15 млрд. сўмни ташкил этади.

Автомобиль ҳайдовчилари ҳамда пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида айна кунларда мазкур кўчанинг автомобиль йўли қисми кенгайтирилиб, йўлнинг ҳар икки четига лотоклар ўрнатиш, коммуникация тармоқларини таъмирлаш, ободонлаштириладиган ва суғориладиган майдонлар барпо этиш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, йўлнинг ер ости ишлари тугатилди, чорраҳага ва ариқ ўзанига яқин бўлмаган ҳудудларида пиёдалар йўлаги ташкил этилиб, асфальт қатламини ёткизиш ишлари олиб борилди.

Жорий йилда мазкур йўл участкасида яқунланмаган барча ишларни тугатиш ва аҳоли учун фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

2020-01-03 20:45:55